

ХХРДА АХБОРОТ-МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336726>

Хайрулла Умаров
сиёсий фанлар номзоди, доцент

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос обеспечения информационно-идеологической безопасности в КНР. Рассмотрены и выявлены основные направления деятельности в данном направлении.

Ключевые слова: информационно-идеологическая война, информационная безопасность, система обеспечения информационной безопасности.

Annotation. This article is dedicated to ensuring information security in PRC. The main directions of activity in this direction are considered and revealed.

Key words: information warfare, information security, to ensure information security system

Глобаллашув жараёнинг кучайиб бориши ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масаласини тобора долзарблашиб боради. Ахборот-мафкуравий уруш глобаллашув жараёнининг маҳсули бўлиб, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куролига айланиб, турфа хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манбаатларига хизмат қилаётганини айтиш ўринли.

Инсоният тарихида чуқур из қолдирган кудратли шахслар ҳарбий аслаҳалардан минг чандон устун турган «ахборот қуроли»дан самарали фойдаланиб келганлар.

Замонавий Ахборот-мафкуравий урушнинг асослари XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб амалиётга жорий этилиб келинмоқда. Ахборот хуружи рақиб саналган ёки геосиёсий манбаатлар доирасида жойлашган давлатлар миллий манбаатларига салбий таъсир кўрсатиши, ички сиёсатида ижтимоий барқарорликни издан чиқаришда ҳам арzon, ҳам самарали амалиёт саналади.

Хусусан, ахборот-мафкуравий урушни олиб бориш АҚШда Миллий хавфсизлик агентлиги (NSA) [1] ва АҚШ Глобал медиа агентлиги [4] (USAGM, 1999 йилдан фаолиятини бошлаган, 1953 йилдан 1999 йилгача - Ахборот агентлиги, USIA) [2], ХХРда эса хукумат қошидаги Тарғибот ва ташвиқот маркази ҳамда Давлат хавфсизлик вазирлигининг маҳсус бўлинмасига юклатилган.

Бугунги кунда ўз геосиёсий ва геоиктисодий манбаатларига эришиш, ҳалқаро майдонда етакчилик учун рақобат олиб бораётган кучлар «ахборот хужуми»га алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бундай холатларни хорижий оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда, юртимиз радио ва теледастурларида, реклама роликларида кузатиш мумкин.

Миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда, биринчи навбатда, ҳар бир ҳалқнинг онгу тафаккурининг шаклланишига эътибор қаратиши, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш масалаларини талаб қиласи. Шу боис, маънавий-маърифий ва тарғибот тизимини такомиллаштиришни, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш долзарб масалалар сирасига киради.

ХХР Ҳарбий фанлар академияси ходимлари, ҳарбий хизматчилар Ван Баоцуң ва Ли Фэй: «Ахборот хавфсизлиги ҳам тор маънода, ҳам кенг маънода қўлланилади. «Жанг майдонидаги ахборот уруши» деб аталувчи тор маънода «қўймондонлик ва бошқарув

уруши»нинг моҳиятини ташкил этади ... Кенг маънода «ахборот уруши» тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳарбий/хавфсизлик даражаси билан бирга: 1) рақиб давлатнинг ахборот тизимига зарба бериш; 2) рақиб ахборот оқимига зарба бериш; 3) жамиятни бошқариш ҳамда акс таъсирларга тегишли жавоб бера олиш тизими имкониятларини чеклашни назарда тутади [3].

Хитой Халқ Республикаси коммунистик мағкура асосида таркиб топган бўлсада, миллий мағкура асосан хитой маданияти асосига қурилган. Мазкур концепция Ден Сяопин томонидан XX асрнинг 80-йилларида илгари сурилган «Мушук оқми ё қора – фарқи йўқ, асосийси сичқон тутса бас» ғояси ётади. Яъни, коммунистик давлатлаги хитойликми, ёки хорижда истиқомат қилувчи хитойликми, фарқи йўқ. Энг муҳими барча хитойликлар бирлашишлари даркорлиги ғояси ётади.

Мазкур ғоянинг амалга оширилиши ва унинг устидан назорат этилиши Хитой коммунистик партияси Марказий кенгаси Ахборот ва тарғибот бўлими томонидан амалга оширилади. Мазкур бўлим асосий кўрсатмаларни ишлаб чиқади ҳамда барча худудий бошқармаларга тегишли кўрсатмалар беради [5].

Тарғибот тизими самарадорлигини ошириш мақсадида Хитой ҳукумати томонидан олиб борилаётган фаолият таҳлили ўзаро боғлиқ бўлган қуидаги йўналишларда фаолият олиб борилганини кўрсатади:

1. Нашриёт ва ОАВ йўналиши.
2. Ижтимоий тармоқлар йўналиши.
3. Оммавий тарғибот ва ташвиқот йўналиши.
4. Таълим – Халқ таълими ва Олий ўқув юртлари йўналиши.
5. Илмий-тадқиқот йўналиши.
6. Маданий-оқартув ишлари йўналиши.

Мазкур йўналишлар давлат бошқарувининг барча марказий ва худудий босқичларини қамраб олган бўлиб, ахборот соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаб беради.

Хитойда мағкуравий ғояларнинг илгари сурилишида тарғибот воситаларининг барча турларидан фаол фойдаланилади. Ташки рекламаларнинг барчаси хитой маданияти ва конфуцианлик ғоялари билан сингдирилган бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Хитой телевидениеси ва радиоси мағкуравий ғояларни илгари суринча муҳим восита сифатида қаралади.

XXР раиси Мао Цзэдун ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида: «Биз ‘Совет Иттифоқи тажрибаси асосида ўрганиш’ шиорини илгари сурганимиз; бироқ биз ҳеч қачон унинг қолоқ тажрибаси асосида ўрганишни назарда тутмаганмиз. Унинг қолоқ тажрибаси борми? Бор. Масалан, ғайри тафаккур эгаларига қарши куч ишлатилган. Бизда эса, бу иш билан ташкилот ва мактаблар шуғуланишган. Биз барчани мазкур масалага жалб этиб, асосий урғуни ижтимоий хавфсизлик масаласига қаратганимиз».

XXРда мағкуравий тарғибот фуқароларнинг ёшлиқ чоғидан, яъни мактабгача таълим муассасаларидан бошланади. Мактаб ҳамда ОЎЮларида тарғибот ишларига жиддий эътибор қаратилади.

Ижтимоий тармоқлар устидан назорат XXР хавфсизлик хизмати ваколатига киритилган ва бу борада Хитой миллий дастурий таъминот ишлаб чиқилган бўлиб, Google ўрнига Baidu браузери, Telegram ўрнига WeChat, QQ ижтимоий тармоғи каби дастурлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Боз устига Интернет тармоғига чиқиш учун ҳар бир фуқаронинг ўз логини бўлиб, ким, нима ҳақида ёзаётгани назорат қилиб борилади.

Ахборот-мағкуравий хавфсизликни таъминлаш борасида XXР тажрибасини ўрганиш, ахборот хуружини бартараф этиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида хукукий, тузилмавий ва ғоявий асосларни ўзида мужассам этган ягона давлат сиёсатини

ишлаб чиқиши зарурлигини кўрсатиб бермоқда. Бу борада, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ташқи хуружлар манбаларини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот-матбуот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакат миллий манфаатларининг ахборот соҳасидаги миллий манфаатларини кафолатли таъминлаш, ички ижтимоий-ахборот тизимларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. National Security Agency/Central Security Service // <https://www.nsa.gov>
2. US Agency for Global Media: USAGM // <https://www.usagm.gov>
3. Wang Baocun, Li Fei. Information Warfare // Liberation Army Daily, 13 June 1995. – Url-adress: https://irp.fas.org/world/china/docs/iw_wang.htm
4. Опубликован проект бюджета Агентства США по глобальным медиа // www.svoboda.org/a/29830353.html
5. 国务院新闻. 人 力 资 源 和 社 会 保 障 部 宣 传 中 心 // http://www.mohrss.gov.cn/xxgk2020/fdzdgknr/zzjg/zsdw/201802/t20180206_288041.html